

ЯНГИ БОҚҚА АСОС СОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 май куни Тошкент вилоятининг Қибрай туманида барпо этилаётган боғ ҳудудига ташриф буюрди.



Дарахзорлар — юртва чирой берадиган, ҳаёт сифатини оширадиган манбалардан. Шу мақсадда шаҳар ва туманларимизда янги боғ ва сайилгоҳлар ташкил этилмоқда. Бундай “яшил ҳудудлар” сўнги йилларда кўлаб қурилишлар бўлиб, тобора ривожланиб бораётган Тошкент шаҳри учун, айниқса, муҳим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз яқинида улкан манзарали боғ барпо этилмоқда. 25 февраль куни ушбу боғ лойиҳаси муҳокама қилинган эди. Бугун унга илк қўчатлар экилди.

Шу муносабат билан бугун парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги, нуронийлар, илм-фан ва санъат вакиллари, спортчилар, ёшлар йиғилди.

— Бугунги муборак Рамазон кунларида сизлар билан кўришиб турганимдан хурсандман. Халқимиз учун муносиб шароитлар яратиш бўйича кўп ишларни бошлаганимиз. Худо хоҳласа, мана шу баҳаво жойда 104 гектарлик боғ барпо этмоқчимиз. Бу хайрли ишнинг бошланиши ҳозирги улғайиб кўнларига тўғри келгани ҳам хосиятли, деб ўйлайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги боғ нафақат манзараси, ландшафти, балки мазмуни билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Боғнинг умумий кўриниши худди улкан дарахнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини ифодалайди.

Боғни оддий парк эмас, энг аввало, юксак маданият ва маънавият

масканига айлантириш мақсад қилинган. Бу ерда одамлар табиат кўйида оуда дам оладиган сўлим ҳудудлар яратилади. Каштан, эман, чинор, лола, липа боғлари барпо этилиб, ноёб манзарали дарахлар, буталар ва гуллар экилади. Сўнги кўл, спорт майдонлари, болалар ўйингоҳлари, фавворалар қурилади.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Президентимиз бу мажмуанинг тарихий-ғоявий аҳамиятини таъкидлади.

— Бу йил мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаймиз. Лекин давлатчилигимиз 3 минг йиллик. Бу ана шу буюк тарихни кўрсатадиган мажмуа бўлади. Бу ерга келган ёшларимиз,

чет эллик меҳмонлар ҳам шуни англайдиган далиллар акс эттирилади, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев бу боғ Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўпмиллатли халқимизнинг жипслиги ва аҳиллигини намоён этадиган мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Шунинг ҳисобига олиб, бу муҳташам боққа “Янги Ўзбекистон” деб ном беришни таклиф этди. Йиғилганлар бу таклифни кўлаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик билан бирга янги боққа қўчатлар ўтказди.

Аввал хабар қилинганидек, маъруза боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси ҳам бунёд этилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ҚИРҒИЗ-ТОЖИК ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ БАРҚАРОРЛАШГАНИНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТДИЛАР

1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров телефон орқали мулоқот қилдилар.

Сўхбатда кунга кеча ўтган мулоқотлар давоми сифатида икки давлат раҳбарлари Қирғизистон — Тожикистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўз вақтида қўрилган ва ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги давлат чегараси қисмидаги вазиятнинг барқарорлаштиришга эришилгани ва унинг кескинлашишига йўл қўйилмагани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Марказий Осиё минтақасидаги барча масалаларни биродар мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик, яхши кўшничлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида конструктив ва ишончга асосланган мулоқот орқали биргаликда ҳал қилиш борасида қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА

ҚАРДОШЛИК РИШТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН — АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА СИНАЛГАН ДЎСТЛАР

Зулайхо АКРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси



Дўста садоқат, қондош-қариндошлик ришталарини қадрлаш, уларнинг қувончига шерик, ғамига елкадош бўлиш, синовили дамларда садоқат ва меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатдир. Халқимизнинг ҳаёти ва турмуш тарзининг асоси бўлиб келган бундай қадриятлар инсон камолотида ва жамият ривожига муҳим ўрин тутган.

Сўнги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини юритишда бу борадаги азалий қадриятлар бардавомлиги

алоҳида эътибор қаратилаётгани дунё мамлакатлари, жумладан, қўшни Марказий Осиё республикалари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.

Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ

ИМКОН ИЗЛАГАН ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

ЁКИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Қизилтепа тумани Навоий вилоятининг энг олис ва чўл ҳудудларидан бири. Бугунги кунда туманда салкам 154 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 75 минг нафардан кўпроғи хотин-қизлар. Хар бир маҳалла қисмида ўтказилган хатлов давомида 33 минг 497 аёл анкета-сўровнома тўлдирган бўлса, 2250 нафарининг мавжуд муаммолари 9 тоифа бўйича “Аёллар дафтари”га киритилган.



— Тизимли чора-тадбирлар натижасида туманда “Аёллар дафтари”га кирган 1955 нафар аёлнинг муаммоси тўлиқ ҳал этиб берилди, — дейди Қизилтепа тумани маҳалла ва оилани кўлаб-қувватлаш бўлими бошлиғи

ўринбосари Меҳринисо Холова. — Масалан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 2018 нафар ишсиз аёл билан тўртта йўналиш бўйича иш олиб борилди.

Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА: ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР

БИРГИНА ЗАРАФШОН ШАҲРИ ЁНИДА ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН, ҚУВВАТИ 1,5 ГВт.ГА ТЕНГ ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛГАЧ, 3 МИЛЛИОН АҲОЛИ ХОНАДОННИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ УЛУШИ 26 ФОИЗГА ЕТАДИ

Катта портлаш рўй бериб, коинот вужудга келганига 14 миллиард йиллик вақт ўтди. Кўёш тизимининг яралганига 5 миллиард йил бўляпти. Бу олимларнинг илмий нуқтаи назари, фарази. Лекин бу жараён қандай тарзда кечган, қанча даврларни қамраб олган бўлмасин, шу нарса ҳақиқатки, Кўёш нуллари тўғрисида она заманимизда табиат ва ҳаёт пайдо бўлган. Инсон оловни яратгандан бошлаб эса башариёт тараққиёти янги даврга қадам қўйди.

Олис замонлардан буён ана шу икки манба (кўёш ва олов) одамзод учун тириклик ва иссиқлик манбаи бўлиб келди. Кейинги асрлар мобайнида турмушимизда фойдаланиш учун кўмир, электр, нефть, газ, атом каби энергия турлари бирин-кетин татиб этилди. XXI аср эса муқобил ва қайта тикланувчи қувватлар даври сифатида тарих саҳифасидан жой олмоқда.

“Яшил” энергетика — қазилма ёқилғи сарфисиз, атмосферага СО₂ ва СО газлари чиқармайдиган ва натижада экологияга зиён етказмаган ҳолда энергия таъминотини амалга оширадиган тузилма. Бунда истеъмол талаби кўёш, шамол, сув, биомасса, водород энергетикаси каби муқобил энергия манбалари эвазига қопланади.

Давоми 3-бетда

КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

БУ — ҚУВОНЧ КЎЗ ЁШЛАРИМ



Ҳаётхон АБДУЛЛАЕВА, Наманган вилоятининг Поп туманидаги “Қўштепа” маҳалла фуқаролар йиғини

Қишли-қировли кунларда уйимизни том босиб қолмасайди, деб шифтга қараб, юрагимни ҳовучлаб ўтирардим, очиги, қаттиқ хавотирланардим.

Деворлар нураб кетаётгани, тушкунликдан чиқолмасдик. 5 қизим бор, каттасининг бўйи етиб қолди, ўзи билан бирга орзу-хаваслари ҳам ўсяпти. Авваллари дзгуналаридек шўх-шодон юролмасди. Шўқри, энди чехраси очик,

яхши кайфиятда ҳовлидаги юмушларни ғайрат-шижоат билан бажараётганини кузатиб, кўнглим тўлади. Сингилларим ҳам ёнида ўйнаб-қўлиб юришибди...

Давоми 2-бетда



www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Худойберди КАРИМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда аграр соҳани модернизация қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий истеъмолчилар эҳтиёжини ўзимизда етиштириладиган маҳсулотлар билан қондириш, сара ва сархил ноз-неъматларни хорижга экспорт қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда қутилган натижаларга эришиш учун эса тизимли равишда катта ҳажмдаги агротехник тадбирлар амалга оширилади.

Президентимизнинг 2020 йил 11 августдаги "2020-2023 йилларда Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида бажарилаётган ишлар фикримизни тасдиқлайди. Вилоятда жами 299 минг 233 гектар суғориладиган ер мавжуд. Ана шу катта майдоннинг мелiorатив ҳолатини барқарор ушлаб туриш мақсадида 18 минг 43 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари, 13 минг 159 километр ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларидан фойдаланиб келинмоқда.

— Иштиёримизда, шунингдек, 2238 та қузатув қудуғи, 85 та сув ўлчаш (гидропост) иншооти, кўплаб мелiorатив тик қудуқлар мавжуд, — дейди Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошқармаси бошлиғи ўринбосари Фахриддин Одилов. — Ушбу сув-оқова иншоотлари қурилгани анча вақт бўлган ва шунинг учун ҳам улардан фойдаланиш самарадорлиги паясайд бўлмоқда. Хукумат томонидан муаммоларни ҳал қилиш учун йилга миллиардлаб сўм маблағ ажратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Воҳа бўйича жорий йилда мелiorатив объектларни қуриш ёки реконструкция учун 31 та лойиҳани ҳаётга татбиқ қилишга 58 миллиард 233 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Бошқача айтганда, 969 километр узунликдаги зовур, 685 километрдан ортиқ ёпиқ-ётиқ дренаж, 14 та қувурли сув ўтиш иншооти фойдаланишга топширилади.

— Жамоамиз икки йилдан буён Зомин, Зарбдор, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи Жиззах

бош зовурини реконструкция қилмоқда, — дейди "Санзорбулоқ" МЧЖ раҳбари Баҳодир Маматқулов. — Объектдаги ишларни якунига етказиш учун 4 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ бюджет маблағлари сарфланмоқда. Биз ишларимизни зиммамизга қўланган вазифа масъулиятини яхши тушунган ҳолда ташкил қилдик. Объектда 3 та замонавий экскаватор, 2 та бульдозер, уларни бошқараётган мутахассисларимизнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитни яратиб бердик. Бу эса шу йилнинг октябр ойида фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектдаги ишларни муддатидан анча олдин, май-июн ойларида якунлашимизга замин бўлмоқда.

Ўрни келганда, Жиззах вилоятидаги суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини талаб даражасида ушлаб туриш учун замонавий инновацион усуллар, технологиялардан ҳам унумли фойдаланилаётганини айтиб ўтиш лозим. Худудлардаги қузатув қудуқлари, коллектор тармоқлари, гидропостлар, мелiorатив тик қудуқларнинг жойлашуви ArcGIS дастурига уланган. Бу эса мавжуд суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини GPS қурилмалари орқали узлуксиз назорат қилиш, сизот сув сатҳи, тупроқ шурланниш даражаси, оқова сув минераллашуви кўрсаткичлари, мелiorатив кадастр хариталарини тайёрлашда қўл келмоқда.

— Халқаро молия ташкилотлари грант маблағлари эвазига ташкилотимизда геоахборот технологиялари билан жиҳозланган мониторинг маркази ташкил этилди, — дейди Сирдарё-Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги мелiorатив экспедиция бошлиғи ўринбосари Орузбек Холбеков. — Ушбу марказ VPN тармоғи орқали Сув хўжалиги вазирилик вазирига уланган. Бу

эса вилоятдаги ер ости сувлари сатҳи ва суғориладиган ерларнинг шурланниш динамикасини реал вақт режимида мониторинг қилиб туриш имконини бермоқда.

2021 йилда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш орқали суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини реал вақт режимида назорат қилиш имконини берувчи MIS дастурига ўтиш, худудлардаги 180 та қузатув қудуғини автоматлаштирилган дайвер қурилмалар билан жиҳозлаш кутиляпти. Бу янгиликлар татбиқ этилгандан кейин жиҳазлиқ мелiorаторлар саяё-ҳаракатлари самараси янада яққолроқ қўзғаташляниши, шубҳасиз.

Энг муҳими, мелiorация соҳасида режалаштирилган кенг қўламдаги ишлар якунига етгандан кейин Жиззах воҳасида жорий йилнинг ўзига 21 минг 293 гектар суғориладиган майдоннинг ҳосилдорлиги ошишига эришилди. 2022 йилда эса бу кўрсаткични яна 28 минг гектардан кўпроққа ошириш белгилаб олинган.

— Бундан тўрт-беш йил аввал, асосан, пахта ва ғалла экар эдик, — дейди Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қарамони Анорбой Эшматов. — Ернинг қучисизлиги, деҳқон тили билан айтганда, "озиб" кетгани сабабли йил-ун икки ой қилинган машаққатли меҳнатга қарамай, саноқли фермерларгина давлат билан тузилган шартномани бажарар, кўпчилиги эса йил охирида таъминотчи қорхона ва ташкилотлардан қарздор бўлиб қоларди. Кейинги йилларда барча соҳаларда ўсишга эришилди. Асосий экинлардан ташқари яна тақрири экин экиш, қўшимча даромад олиш имконияти вужудга келмоқда. Бунда экин майдонларининг мелiorатив ҳолати тобора яхши бўлиб бораётгани ўз сўзини айтганда, шубҳасиз, албатта.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, мелiorатив ҳолати талаб даражасида бўлмаган ерларнинг ҳар гектаридан нари борса ўртача 18-20 центнердан пахта, 20-25 центнер ғалла ҳосили олинапти. Бошқа экинларнинг салмоғи ҳам ўнчалик банд эмас. Мелiorатив тадбирлар амалга оширилган худудларда бу кўрсаткичлар камида 30 фоиз ошиши кафолатланади. Ана шуни эътиборга оладиган бўлсак, яқин 2-3 йил ичида Жиззах вилоятида ҳолати яхшиланадиган 50 минг гектарга яқин майдондан қанча қўшимча ҳосил олиниши мумкинлигини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.



КўНГИЛДАГИ ГАПЛАР

БУ — ҚУВОНЧ КЎЗ ЁШЛАРИМ

Бошланиш 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Аёллар дафтари" ташкил этилганида биринчилардан бўлиб бизни рўйхатга ёзишди ва тез-тез хабар олиб туришди. Бир кун туманимиз ҳокими маҳалламизни ўргангани кирди. Танг аҳолимизни кўриб, "Бу уй яшагга ярамайди, бошқа қуриб берилди!" деди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, усталар келиб, эскисини бузиб, янғисини тиклаш ишларини бошлаб юборди. Қисқа муддатда кўримсиз бошланам ўрнида кўркам уй барпо бўлди. Дарвозахонаси, айвони бор, 3 хонали ёруғ ва шинам, шифер билан ёпилган уйга эга бўлишни узоқ кутдик. Болаларим "Ая, тоғамнинг пули қачон келади, қачон янги уй қурамиз?" деб сўраганида лабимни тишлаб, ичимдан йиғлардим. Ҳозиргиси эса қувонч ва шукроналик кўз ёшлари.

Мана, пешонамизга битган экан, файзли бошлана насиб қилди. Жуда хурсандимиз, ҳаётимиздан розимиз! Туманимиз ҳокими, 1-сектор раҳбари янги уйни фойдаланишга топшириш тадбирида ҳам қатнашди. Қолаверса, уй-рўзгор буюмлари, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, уйинчқлар, ўқув қуроллари тақдим этилди. Табриклаш учун "уй кўрди"га чиқаётган қўшнлару қариндошлар ҳам атаган совға-саломларини олиб келяпти.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз ва туманимиз мутасаддиларига, бизга кўмаклашган тадбиркорга, хонадонимизга меҳнати синган бўёндорларга алоҳида ташаккур. Турмушда ва ишда қийналиб қолган аёллар ва ёшлар учун беиминнат ёрдамга ундаётган, рўшнолик улашаётган, жамки эзгуликлар бошида турган, мушкулларимизни енгиллаштираётган Президентимиздан бир умр миннатдоримиз, самимий раҳматимиз чексиз, омон бўлсинлар!

Муборак Рамазон ойида икки кўлим дуода. Келажакда фарзандларим ҳам худди шу инсонлардек эл қорига ярайдиган, синовли кунларда атрофдагиларга ёрдам қўлини қўзғадиганлардан бўлсин, илоҳим. Бу ҳажонли кўнларни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, дилбандларим ҳам асло унутмайди. Шу уйда тўйлар ўтказиш насиб этсин, фарзандларимнинг бахтини берсин!



ҚАРДОШЛИК РИШТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН — АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА СИНАЛГАН ДЎСТЛАР

Бошланиш 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча Туркменистон Республикасига бўлган амалий ташрифи асрлар синовидан ўтиб келган ва бугунги кунда янги бошқача давом этаётган ана шундай дўстлик, қардошлиқ алоқаларининг яна бир ифодаси бўлди.

Президентимиз Туркменистон етакчисига отаси Маликгул Бердимухамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шахсан ўзи номидан чўқур ҳамдардлик билдирди. Маликгул Бердимухамедов туркман халқининг содиқ фарзанди ва ҳақиқий ватанпарвар бўлгани, ўз юртининг равнақига улкан ҳисса қўшгани таъкидланди.

Туркменистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изорх эди, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу мусибатли дамларда далда бўлаётганини юксак баҳолаши ва қадрлашини алоҳида қайд этди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар. Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Миллий Кенгашининг Халқ Маслаҳати раиси этиб сайлангани билан табриклади. Бу мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган сиёсат Туркменистон халқи томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб даврда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар тўғрисидаги кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдага қўлайди ва ўтган йил якунларига кўра, 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма қорхона ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда, савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятини янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан буён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия мультимодал йўналишининг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди.

Музокараларда халқларимиз яқинлигининг энг муҳим омили сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш долзарб экани яна бир бор қайд этилди. Президентимиз Туркменистон раҳбарига унинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг навбатдаги ёрқин

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

“ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА:

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШАЁТГАН ЛОЙИХАЛАР

БИРГИНА ЗАРАФШОН ШАҲРИ ЁНИДА ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН, ҚУВВАТИ 1,5 ГВт.га ТЕНГ ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛГАЧ, 3 МИЛЛИОН АҲОЛИ ХОНАДОНИНИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ ВА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ УЛУШИ 26 ФОИЗГА ЕТАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

ДУНЁ МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАСИДА НИМА ГАП?

2020 йилда муқобил энергетикани жорий этиш бўйича жаҳон рекорди ўрнатилиб, 200 ГВт.дан кўпроқ қувватлар ишга туширилди. “BloombergNEF” компанияси экспертлари қайд этишича, дунёда коронавирус пандемияси ҳукм суришига қарамай, бундай натижага қуёш электр энергияси ва водород транспорти тармоғига жуда катта миқдорда инвестициялар йўлланиши ҳисобига эришилган. Хусусан, қуёш энергетикасининг ўзи 150 миллиард АҚШ доллари, яъни 2019 йилга нисбатан 12 фоиз кўп сармоя киритилган. Таҳлилчиларнинг фикрича, жорий йилда бу рекорд яна янгиланади. Ишга тушадиган янги қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобига мо савишда 150-190 ва 80-90 ГВт.га ошиши башорат қилинмоқда.

Европа электр энергетикаси ҳам тобора “яшил” турга ўтди. Маълумотларга қўра, ўтган йили ишлаб чиқарилган умумий электр энергиясининг учдан икки қисмидан кўпроғи муқобил қувватлар ҳисобига тўғри келган. Шундай вақтда қазиб олинган анъанавий ёқилғидан электр қуввати ҳосил қилиш 18 фоизга камайган. Муқобил энергиядан фойдаланишда Дания (умумий ишлаб чиқаришга нисбатан 61 фоиз), Ирландия (35 фоиз), Германия (33 фоиз) ва Испания (29 фоиз) давлатлари етакчи ўринларда.

Маълумки, Хитойга нисбатан “осмон ости” ёки “самовий” мамлакат, деган мажозий иборалар қўлланилади. У буни амалда ҳам исботлаб, дунёда “яшил” энергетиканинг ўсиш суръатлари бўйича пешқадамлик қилмоқда. Ўтган йилги коронавирус офати ҳам унинг шиддатли одимини тўхтатма олмади ва экологик тоза қувват олиш станциялари сони икки баробарга ошди. Умуман олганда, Хитойда 800 ГВт., аниқроғи, дунёда ўзидан кейинги ўринда турган

қўшилса, муқобил энергетиканинг салоҳияти нечоғлиқ улканлиги ҳақидаги тасаввурларимиз янада бойийди.

Бироқ яқин-яқинларгача мамлакатимиз “яшил” энергетика имкониятлари ҳақида гап борганда, ана шундай каттадан-катта рақамлар келтирилган эди-ю, амалий ишларга келганда, кўнгилни ғурурга тўлдирадиган мисолни топиш даргумон эди. Тўғри, Поп туманидаги Водий массивида ишга тушган 130 КВт/соат, Бухоро вилоятининг Қандим шаҳарчасидаги 1,2 мегаватт қувватга эга ва бошқа кичик қуёш электр станциялари қурилади. Аммо улар ҳажми уммонга томчини менгзагандай гап эди.

Таассуфки, Самарқандда 2013 йилда тақдироти ўтказилган, қуввати 100 МВт. бўлган қуёш фотозлектр станциясини қуриш лойиҳаси ҳам қанчалик катта шов-шувларга сабаб бўлган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, шунчалик тез унутилиб кетди. Қўлларнинг юрагига инновация чирогини ёққан орзу-умидлар худди елвизакка дош беролмаган шамдай ўчиб қолди.

Шуқрим, 2017 йилдан бошлаб юртимизда муқобил энергия билан боғлиқ ишлар баҳор чечаклари каби дилларни қувонтира бошлади. Бу борада 2019 йил 22 майдан кучга кирган “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун катта аҳамият касб этапти. Чунки бу қонун соҳага оид норматив ҳужжатларни тартибга солиши баробарида барча жабҳаларда энергия барқарорлигини таъминлаш, ёқилғи-энергетика баланси диверсификацияси даражасини ошириш ва бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш сингари кенг қамровли масалаларнинг ечимини ҳам қамраб олган.

Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги қарорига асосан, юртимизда 2030 йилга бориб, муқобил энергия манбаларининг электр қуввати ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини икки баробарга ошириш белгилаб берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 12-14 фоизни ташкил этади. Татбиқ этиладиган йирик лойиҳаларга мувофиқ, ўн йил ичида умумий қуввати 5000 мегаватт бўлган қуёш ва 3000 МВт.га тенг шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган.



ИЛГАРИГИ ЛОЙИХА 500 МВт. ҚУВВАТГА ЭГА БЎЛИБ, 500 МИНГТА ХОНАДОНГА ЕТАРЛИ ҲАЖМДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВА АТМОСФЕРАГА ЧИҚАРИЛАДИГАН КАРБОНАТ АНГИДРИД ЧИҚИНДИЛАРИНИ ЙИЛИГА 1,1 МИЛЛИОН ТОННАГА КАМАЙТИРИШИ КЎЗДА ТУТИЛГАН ЭДИ. ЭНДИЛИКДА БУ КЎРСАТКИЧ 1,5 МИЛЛИОН ХОНАДОНГА ЕТГАНИ ҲОЛДА, 3,3 МИЛЛИОН ТОННА КАРБОНАТ АНГИДРИДНИНГ КАМАЙИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

тижорат тақлифларини ўрганиш ҳамда баҳолаш натижаларига қўра, 1 киловатт соат ишлаб чиқарилган электр энергияси учун 2,679 АҚШ центи тарифи билан ва қурилиш муддати 12 ойни ташкил этадиган “Masdar” (БАА) компаниясининг лойиҳасини голиб, деб топди.

Бу ҳозирда Марказий Осиёда мавжуд бўлган энг арзон нарҳдаги тариф ҳисобланади. БАА экспертлари фикрича, қуёш электр станцияси йилига 260 миллион КВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади ва 2046 йилгача юқорида кўрсатилган қатъий нарҳда “Миллий электр тармоқлари” га етказиб беради.

Бугунги кунда Президентимизнинг 2020 йил 14 апрелдаги “Навоий вилоятида қуввати 100 МВт. бўлган фотозлектр станцияни қуриш” инвестиция

териаллардан фойдаланишга устувор аҳамият қаратади. Қурилиш ишларида юртимизнинг 900 нафарга яқин иши, муҳандис ва маслаҳатчилари иштирок этади. Умуман олганда, мазкур жараёнда ва станция хизматини йўлга қўйишда юзлаб иш ўрни яратилади. Шунинг учун уларни ўқитиш наинки, ушбу иншоотда, балки бошқа ҳудудларда барпо этиладиган худди шундай объектларни барпо этишда ҳам асқатади.

— Инвестор шу йилнинг ёз фасли ўрталарига бориб, станцияни ишга тушириши мўлжаллаётган, шундан сўнг уни “Миллий электр тармоқлари” АЖга топширади, — дейди Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуллаев Отабеов. — Президентимизнинг 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, қайта тикланган энергетика соҳасидаги лойиҳалар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, “Masdar” компанияси Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри яқинида иккинчи инвестициявий лойиҳа — шамол электр станциясини қуришни ҳам амалга оширади.

Қайд этиш жоиз, яқинда Бирлашган Араб Амирлиқларининг “Masdar” компанияси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлиги ўртасида Зарафшонда қурилиши бошланган мазкур электр станциянинг лойиҳавий қувватини 500 МВт.дан 1,5 ГВт.гача ошириш бўйича битим имзоланди. Дастлаб 600 миллион АҚШ доллари баҳоланган лойиҳа кенгайтирилганидан сўнг қарийб 1,8 миллиард доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилиши мўлжалланмоқда.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги матбуот хизматининг маълумоти қараганда, лойиҳа қувватининг уч баробарга оширилиши келгусида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган шамол электр энергияси миқдорининг 3 ГВт.га ва муқобил энергия манбаларидан мамлакат умумий энергия ҳажмидаги улушини 26 фоизга етказиши имконини беради.

Маълумки, илгариги лойиҳа 500 МВт. қувватга эга бўлиб, 500 мингта хонадонга етарли ҳажмда электр энергиясини ишлаб чиқаришни ва атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид чиқиндиларини йилига 1,1 миллион тоннага камайитириш кўзда тутилган эди. Эндиликда бу кўрсаткич 1,5 миллион хонадонга етгани ҳолда, 3,3 миллион тонна карбонат ангидриднинг камайишини таъминлайди. Шамол электр станциясини 2024 йилнинг охирига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Жорий йилнинг 19 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов видеоконференция шаклида “ACWA Power” (Саудия Арабистони Подшоҳлиги)

компанияси бошқарув кенгаши раиси, Ўзбекистон — Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси Муҳаммад Абунайян билан музокара-лар ўтказди. Амалдаги қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, муқобил энергия соҳасида инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама этилар экан, Сирдарё иссиқлик электр станцияси неғизда қуввати 1500 МВт. бўлган комбинациялашган цикли иссиқлик электр станцияси қурилишининг бориши, Қорақалпоғистонда умумий қуввати 1,5 ГВт.гача бўлган янги шамол электр станцияларини қуришда иштирок этиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди. Бухоро вилоятида умумий қуввати 1 ГВт. бўлган иккита шамол электр станцияси қуриш ишларини бошлашни жадаллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

— 2020 йилда “Scaling Solar II” доирасида лойиҳа тендерларининг навбатдаги босқичи ўтказилган эди, — дейди Энергетика вазирининг ўринбосари Шерзод Хўжаев, — Самарқанд ва Жиззах вилоятларида барқарор 200 МВт.лик қувватга эга бўлган иккита фотозлектр қуёш электр станцияси қурилиши учун ўтказилган ана шундай тадбирда қатнашиш учун 83 та компания ва консорциум ариза топширди. Бу инвесторларда Ўзбекистонда қайта тикланган энергия манбаларига доир лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш катталигини намоён этди. Энг муҳими, кейинги вақтларда танлов иштирокчиларининг географик қамрови кенгайди, улар сафига янгидан-янги субъектлар, хусусан, Европанинг нуфузли компаниялари ҳам қўшилди. Бу тарифларни янада пасайтиришга ижобий имконият яратди.

Мамлакатимиз қайта тикланган энергия манбалари лойиҳаларида қатнашиш бўйича яхши шартларни тақлиф қилган йирик компаниялар билан бевосита музокараларни фаол давом эттиряпти. Масалан, “Total Egen” (Франция) компанияси томонидан Самарқанд вилоятининг Нурабод туманида фотозлектр станция тикланади. Жами қуввати 100 МВт.ли бу иншоотни барпо этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги битим 2019 йилнинг кузига имзоланди. Президентимизнинг 2018 йилнинг октябр ойида Францияга расмий таширифи чоғида эришилган келишув ва тегишли қарор ушбу лойиҳа учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 100 миллион еврога баҳоланган бўлиб, инвестор томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилиши назарда тутилган. Ҳозирда “Total Egen” компанияси томонидан ер майдонини тайёрлаш, электр узатиш тармоғи, электр станцияни тиклаш бўйича қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Мазкур қуёш электр станцияси жорий йилнинг туртинчи чорагида фойдаланишга топширилиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, иккита лойиҳани Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида ишга тушириш ишлари олиб бориляпти. Энергетика вазирлиги 2020 йилнинг 1 февралда Осиё тараққиёт банки кўмағида дастлабки фотозлектр электр станциянинг қад ростлаши бўйича лойиҳалаш ишлари бошланганини маълум қилган эди. Унга биноан, камиди 200 МВт. ўзарувчан ток қувватига эга қуёш электр станцияси, шу жумладан, янги 220 КВт. кучлинишли подстанция ва “Сурхон – 500 КВ” подстанциясига уланмиш учун жами узунлиги 52 километрлик электр узатиш тармоғи тортилади.

Шерободдаги иккинчи лойиҳа 300 МВт. қувватга эга фотозлектр станциясини қуришни ва 2024 йилга қадар биринчи станцияга яқин жойда иш бошлашини кўзда туттади.

Йиллик ишлаб чиқариш 1,1 миллиард КВт. соатдан ортқ бўлган 500 МВт. қувватга эга бўлган 2 та ФЭС худуддаги йиллик электр энергияси истеъмолнинг тахминан 30 фоизини таъминлаш имкониятига эга бўлади. Сурхондарё вилоятида ўртача йиллик электр энергияси истеъмоли 3,2 миллиард кВт. соатни ташкил этади.

КЎЛАМ КАТТА ВА ШУ БИЛАН БИРГА...

Мамлакатимизнинг муқобил энергия соҳасидаги имкониятлар миқоси жуда кенг. Лекин айрим олимлар томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда ўзига ҳокимоналиклар мавжудлигини ёддан чиқармасликка эътибор қаратади. Уларнинг фикрича, шамол генераторлари ва қуёш панеллари бирмунча қиммат техника ва технологиялар мажмуаси ҳисобланади. Фотопанеллар майдон жиҳатидан унлаб гектар майдонларни эгаллайди, уларни атмосфера чанги ва тузли бирикмалардан тозалаб туришининг эзи бирмунча хизматни талаб қилади. Бунинг устига фойдали иш коэффициентини анчайин паст ва ундан асосан кундуз кунлари фаол фойдаланиш мумкин, дейишади.

Ҳақиқатан, бу фикрларни ҳам инobatга олиш керак. Лекин кейинги даврда муқобил қурилмалар йилдан-йилга тақомиллашиб, рақамли технологиялардан фойдаланиш туфайли уларнинг самарадорлиги тобора ортиб бораётганини ҳам назарда тутиш лозим. Мисол учун, 2009 йилда ишлаб чиқарилган қуёш панелидан самарали фойдаланиш коэффициенти 39 фоиз бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 70 фоизни қоралаб қолди.

Албатта, мамлакатимизда муқобил энергетика лойиҳаларини амалга оширишда бу каби жиҳатлар инobatга олинмоқда. Бироқ юртимизда аҳолининг саломатлиги ва экотизимнинг барқарорлиги ҳамма нарсадан устун туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, “яшил” энергиянинг рақобатбардорлиги ёки технологияларнинг қимматлиги бунинг олдида ўз аҳамиятини йўқотди. Қолаверса, қайта тикланган энергия миқдорини ошириш ҳисобига иссиқлик станцияларида фойдаланилаётган ўз миллилард куб метрлаб табиий газни бошқа жабҳаларда, хусусан, уни чуқур қайта ишлаш ҳисобига қўшимча йўл маҳсулотлари тайёрлашга кенг қўй олинмади. Юқорида қайд этилганидек, биргина 500 МВт. қувватга эга бўлган шамол электр станциясининг ўзи ҳавога карбонат ангидрид чиқиндиларини чиқаришни йилга 1,1 миллион тоннага камайитириш имконини беради. Шу боис, энергетиканинг мазкур тармоғи ривожланишидан ҳозирги кунда барча бирдек манфаатдор, десак ҳеч бир янглишмаймиз. Бинобарин, ҳукуватимиз томонидан берилмаётган имтиёзлар соҳанинг рақобатбардорлигини янада ошириб борапти.

Яна бир муҳим жиҳати, қайта тикланган энергия манбалари соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларнинг ҳеч бири давлат кафолатлари тақдим этилишини назарда тутмайди. Бу, ўз навбатида, соҳада давлат-хусусий шериклиги вужудга келишига имконият яратяпти. Сармоядорлар амалга ошираётган ва киритаётган тақлифлар эса энергетика бозорининг йирик иштирокчиларида мамлакатимизда ишлашга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини, бунинг учун қулай инвестициявий муҳит юзага келганини ҳам яққол кўрсатиб турибди.



“ **ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 ЙИЛ 22 АВГУСТАДАГИ ҚАРОРИГА АСОСАН, ЮРТИМИЗДА 2030 ЙИЛГА БОРИБ МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УМУМИЙ ҲАЖМИДАГИ УЛУШИНИ ИККИ БАРОБОРГА ОШИРИШ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН. ҲОЗИРГИ ПАЙТДА БУ КЎРСАТКИЧ 12-14 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ТАТБИҚ ЭТИЛАДИГАН ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРГА МУВОФИҚ, ЎН ЙИЛ ИЧИДА УМУМИЙ ҚУВВАТИ 5000 МЕГАВАТТ БЎЛГАН ҚУЁШ ВА 3000 МВт.ГА ТЕНГ ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИНИ ҚУРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН.**

АҚШ га нисбатан икки баравар кўп миқдорда муқобил энергия ҳосил қилинди. Ҳақиқатан, Хитойда муқобил энергиянинг ривожланиш суръати жуда юқори. Лекин унинг умумий электр энергетикаси ҳажмидаги улуши ўтган йилга келиб 15 фоизга етди. Бу ривожланган мамлакатларга нисбатан икки-уч баробарга кам. Хитойнинг 2030 йилга бориб муқобил энергетика ҳиссасини 25 фоизга етказиш режаси Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари билан ҳамоханлигидан далолат беради.

Кейинги пайтда амалга оширилаётган ва ишлаб чиқарилаётган лойиҳалар кўлами бу мақсадларга эришиш муддатини янада қисқартириш мумкинлигини кўрсатади. Чунки кеча хаёлий орзу бўлиб туюлган қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш ишлари ҳайратомуз даражада жадаллашиб бормоқда.

“ТОКИМ ҚУЁШДИН БЎЛҒАЙ АНВОР, ЁРУҒ ҚИЛҒАЙ ЖАҲОН МУЛКИНИ ...”

Айни кунда Ҳазрат Мир Алишер Навоий номи билан аталадиган вилоятга йўлингиз тўша, буюк бобокалонимизнинг беш ярим аср наридан туриб айтаган мазкур сатрларига мос йирик инновацион лойиҳалар амалга оширилаётганига гувоҳ бўласиз.

2019 йилда юртимизда IFC (Халқаро молиявий корпорация) кўмағида халқаро тендер савдоларининг биринчи босқичи ташкил этилиб, 4 октябр кунининг натижалари эълон қилинди. Навоий вилоятида 100 МВт. қувватли илк фотозлектр қуёш электр станцияси қурилиши бўйича ўтказилган ушбу тендерда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, БАА, Ҳиндистон, Жанубий Африка, Россия, Испания, Норвегия ва Франциядан 23 та компания иштирок этди. Комиссия талабгорларнинг техник ва

лоийҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Кармана туманидаги 268 гектар майдонда қурилиш ишлари олиб бориляпти. Бу юмушлар “Nur Navoi Solar” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган бўлиб, у “Masdar” (БАА)нинг юртимиздаги вакили саналади.

Вилоят марказидан 35 километр масофада бўлган қуёш станциясида хозирга қадар худудни ўраш ва текислаш, маъмурият ҳамда мутахассисларнинг яшаш жойи ҳисобга олинган ҳолда, ходимлар иш олиб борадиган модул услубидаги шаҳарчани тиклаш жараёнлари ниҳоясига етди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ва узатишни лойиҳалаштириш ҳамда инфратузилмасини яратишга ихтисослашган Хитойнинг “SECO” компанияси лойиҳага бош пудратчилик қилмоқда. Компания қисқа фурсатда операторлик, технологик биноларнинг пойдеворига асос солди, фотозлектр конструкциялар учун таянч устунчалар ўрнатиш ишлари жадал олиб бориляпти. Шундан кейин технологик ускуна, бюмлар ва трансформаторларни монтаж қилишга киришилди.

Қуёш фотозлектр станцияси панелларининг икки томони ҳам қўш қатли бўлиб, барча халқаро экспертиза талабларига, шу жумладан, экологик мезонларга ҳам жавоб беради. Иншоотни тиклашда маҳаллий ма-

ШХТ ТАШКИЛ ТОПГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА

ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРАСИ



Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда ШХТ
Халқ дипломатияси маркази
директори

2021 йил Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) учун муҳим сана ҳисобланади. Зеро, жорий йил 15 июнда ушбу ташкилотга асос солинганига йигирма йил тўлади. Тарихан қисқа муддатда ШХТ улкан салоҳиятини ва кенг имкониятларини намоён қилиб, дунёда нуфузли тузилма эканини исботлади.

Бугун ШХТ тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, халқаро ва минтақавий можароларни ўзаро тенглик, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш асосида, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатиш ёки таҳдидларга қарши ҳаракатларни таъминлашга ҳисса қўшаётган замонавий халқаро муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиси.

Ушбу ташкилотнинг пайдо бўлиши ХХ аср охирида дунёдаги геосийосий вазиятнинг ўзгариши, хусусан, барча давлатларда, жумладан, Марказий Осиёда террорчилик таҳдиди кучайиши билан бевосита боғлиқ. Илгари минтақада мавжуд бўлган хавфсизлик тизими 90-йилларга келиб кучайиб бораётган таҳдидларга дош бера олмади. Глобаллик модалларини ташиш каналлари кўпайиши, ноқонуний меҳнат миграцияси ўсиши, экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар сони кўпайиши минтақадаги давлатларнинг чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ҳарбий соҳадаги тезкор ва самарали ҳамкорлик йўллариини излашни тақозо этди.

1996 йилда Хитойнинг Шанхай шаҳрида бешта давлат — Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия ва Тожикистон чегара ҳудудига ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоландилар ва “Шанхай бешлиги” деб ном олган сиёсий тузилмага асос солдлар. Мазкур ҳамкорлик бешта давлатнинг тенглиги, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган бўлиб, халқаро низоларнинг олдини олиш, уларни тинч йўл билан ҳал этиш ва долзарб муаммолар ечимини биргаликда излашга қаратилди.

2001 йил 14 июнда Шанхайда бўлиб ўтган саммитда Ўзбекистон ушбу тузилмага қўшилди ва унинг аъзолари Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларацияни имзолади. 2017 йилда Қозоғистонда бўлиб ўтган саммитда Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга аъзолиги расман тасдиқланди. Бундан ташқари, Мўғулистон, Эрон, Афғонистон ва Беларусь ташкилотга қўшулуши мақоми берилди. Арманистон, Озарбайжон, Камбоджа, Непал, Туркия, Шри-Ланка эса ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкорларига айланди.

Бугун ШХТга аъзо, қўзғатувчи ва мулоқот бўйича шерик бўлган жами 18 давлатнинг умумий майдонى 34,3 миллион квадрат километрга тенг. Бу Евроосиёнинг олтинчи фойзидан ташкил этади. Аҳолиси 3,1 миллиард киши. ШХТ давлатлари иқтисодий жиҳатдан иқтисодиётининг 20 фойзидан камраб олади.

Ташкилотнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, улар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт, экология ва бошқа соҳаларда самарали ҳамкорликни кучайтириш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат.

Ташкилот аъзоси ва таъсисчиларидан бири сифатида Ўзбекистон ШХТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори. Бугунги кунда мамлакатимиз ШХТнинг кўп қиррали савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликдаги ва терроризм, экстремизм, ноқонуний наркотрафик, трансмиллий уюшган сияноятчиликка қарши кураш каби соҳалардаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш орқали унинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳартиясининг 5-моддасида ҳар йили иштирокчи давлатлардан бири ташкилотга раислик қилиши белгиланган. Раислик ва давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилган жой ҳам ШХТ ҳартияси асосида белгиланади. Ўзбекистон 2003-2004, 2009-2010 ва 2015-2016 йилларда тузилмага раислик қилган. Мамлакатимиз ШХТда барча раислиги даврларида ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлаш бўйича қатор самарали ташаббуслар билан чиққан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда билдирган ташаббус ва тақлифлар тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу вақт мобайнида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан чуқур ўйланган ва, айниқса, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик 30дан зиёд муҳим тақлиф илгари сурилди.

Ўзбекистон ШХТ фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг мақсад, вазифалари ва асосий принципларига мос қарор қабул қилиш механизmlарини тақомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларга қўл урди. Тузилманинг бошқа ну-

фузли халқаро институтлар билан алоқаларини ривожлантириш ҳам шу нуктаи назардан муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, ташкилот доирасида Ўзбекистон Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликка алоҳида эътибор қаратмоқда, ижтимоий-иқтисодий қайта қуриш бўйича қатор пойтахтларни амалга оширмоқда. Юртимиз қурилиш ташкилотлари томонидан қўшни давлатда 11 та кўприк қурилган, унинг шимолий вилоятлари электр энергияси билан таъминланмоқда. Минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, транспорт ва ускуналар етказиб бериш ҳажми ортмоқда. Икки давлат мутахассислари ҳамкорлигида Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли қурилишининг якуний ишлари жадал олиб бориляпти.

Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгаши котибларининг йиғилишлари минтақада тинчликни таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишнинг муҳим механизмига айланди. Хусусан, Президентимиз 2017 йил июнь ойида ШХТнинг Нурсултон шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ёш авлоднинг турли террористик ва радикал тузилмалар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, уларни баркамол шахслар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш борасида муайян чора-тадбирлар қўриш зарурлигини таъкидлади. ШХТга аъзо давлатларнинг барча диний идораларини соф ислом дини моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази фаолиятида иштирок этишга чақирди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ва транспорт транзити соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор. Бунга эришишда мамлакатларнинг қисқа йўналишлар орқали жаҳон бозорига чиқиш имкониятини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

ШХТ аъзолари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Бирок бундай ўсиш суръатлари кўп томонлама ҳамкорликда кузатиляпти. Бу эса транспорт ва логистика имкониятларини бирлаштиришга бўлган номуносив интилишларда яққол акс этмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари ШХТга аъзо давлатлар темир йўл идоралари раҳбарлари билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Тошкентда ушбу форматдаги биринчи учрашув бўлиб ўтди.

Олий ва юқори даражадаги расмий алоқаларни ривожлантириш билан бирга, бугунги кунда бевосита инсонлар, ўзаро манфаатли ҳамкорликни яхшилашга ҳисса қўшадиган жамоат ташкилотлари, турли мамлакатлар халқларининг маданияти, анъаналари ва ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини яхшироқ аниқлаш, яъни халқ дипломатияси механизmlарини қўллаш орқали алоқаларни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Айни шу мақсадда Президентимиз ШХТнинг 2017 йилдаги саммитида аъзо давлатларда мунтазам фаолият юритувчи халқ дипломатияси институтларини ташкил этиш тақлифини билдирди. Тошкентда ШХТ Халқ дипломатияси маркази очилиши мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар самарасидир. Марказ ташкил топган даврдан бошлаб ШХТ мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик, миллатлараро ва динлараро тоғувликни мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, ШХТ мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, илмий-маърифий соҳаларда, фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Умуман олганда, ШХТ нуфузли халқаро ташкилотга айланиб бормоқда. Бу эса тузилманинг асосий принциплари давлатлар суверенитетига ўзаро ҳурмат, уларнинг жуғрофий ёки иқтисодий салоҳиятидан қатъи назар, ўзаро тенглик, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга нисбатан очиқлиги ва қарши йўналтирилмагани билан боғлиқ.

Дунёда рўй бераётган глобал хатар ва таҳдидларни яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш борасида шаклланган аъналаримизни асраш ва бойитиш орқалигина енгиб ўтиш мумкин. Бугунги кунда умумий бойлигимиз бўлган кадрлар — биргаликда тараққиёт сари интилиш, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурмат, кўп томонлама ҳамкорликнинг нобэ тажрибасини ўзда мужассам этган “Шанхай руҳи”ни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти — инсоният тараққиётининг тарихий босқичида шаклланган тузилма. Албатта, улкан салоҳиятга эга бўлган бу ташкилот Евроосиё қитъасида муносабатларнинг янги турини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети ва бу борада бугунги кунда халқ дипломатияси механизmlаридан кенг фойдаланишда катта аҳамият касб этади.

Ташкилотнинг 20 йиллиги жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, ўз фаолияти натижаларини таҳлил, муаммо ва кийинчиликлари бартараф этишнинг янги йўллариини излаш, босиб ўтилган давр тажрибаси асосида мавжуд мақсад ва вазифаларга тегишли тузатишлар киритиш вақтидир.

КҮН МАВЗУСИ

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

НОГИРОНЛИГИ
БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР
ХОНАДОНЛАРИНИ
ТАЪМИРЛАШ ДАСТУРИ
ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. УНГА
КЎРА, БИРИНЧИ ГУРУҲ
НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН
12 НАФАР ХОТИН-
ҚИЗНИНГ УЙ-ЖОЙИНИ
ТАЪМИРЛАШ УЧУН
10 ТА БРИГАДА ВА
28 ҚУРУВЧИ САФАРБАР
ЭТИЛДИ. ҲАР БИР
ХОНАДОН УЧУН ЎРТАЧА
25 МИЛЛИОН СЎМДАН
МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ.

ИММОН ИЗЛАГАН ҲАМИША
ЭЪТИБОРДА

ЁКИ “МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Бошланиш 1-бетда

Шундан 913 аёлнинг бандлиги таъминланиб, уларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилаётган бўлди, қолганлари тикувчилик фабрикаларига, тумандаги корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилди. Касб-хунарга ўқиш истагини билдирган 189 нафар хотин-қиз ўқув курсларида ўқитилди.

Тадбиркорлик қилиш учун кредит олишда амалий ёрдам сўраган 532 нафар аёлга Халқ банки орқали имтиёзли кредитлар берилди. Шунингдек, қарамоғида бир ва ундан ортқ биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз аёлларга қиймати 18,2 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Умумий қиймати 96 миллион сўмлик 1280 бош товуқ ва 5 та тикув машинкаси бегараз тарқатилди. Бундан ташқари, уй-жойларини таъмирлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар асосида “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясининг Ногиронлиги бўлган фуқаролар хонадонларини таъмирлаш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, биринчи гуруҳ ногиронлиги бўлган 12 нафар хотин-қизнинг уй-жойини таъмирлаш учун 10 та бригада ва 28 қурувчи сафарбар этилди. Ҳар бир хонадон учун ўртача 25 миллион сўмдан маблаг ажратилди.

Таъкидлаш жоизки, туманда айрим тоифадаги аёлларнинг келгусида бошлангач эга бўлишини таъминлаш мақсадида уларнинг иқтисодий имконияти ва талаблари ҳам ўрниниб чиқилмоқда. Жумладан, “Шийхон” маҳалласида яшовчи Гулном Рўзиева биринчи гуруҳ ногирони бўлиб, 12 йилдан буён саломатлиги босиб, тўшаққа микланган. Гулном опанинг уйи таъмирталаб эди. Сектор ва маҳалла ҳамкорлиги билан унинг бу муаммоси ҳал этилди.

— “Аёллар дафтари”га киритилганман. Узоқ йиллардан бери дардни енголмай бемор ётибман, — дейди Гулном опа. — Ногиронлик нафақаси оламан. Аммо нафақам дори-дармонимдан ортмайди. Уйимиз таъмирталаб эди. Хайриятки, нураб қолган деворларимизни тиклаб, оқлаб беришди. Топларимизни шиферлаб, дераза-ромларимизгача таъмирлаб чиқишди. Албатта, бу ғамхўрлик, эътибор, хайрли ишлардан мен каби эҳтиёмиманд одамлар кўнгли тоғдек кўтарилмоқда.

— Биз оиламиз билан ишсиз эдик. Хотин-қизларга имтиёзли кредит берилётганидан хабар топиб, тадбиркорлик фаолиятимизни бошладик, — дейди у. — Ҳозир “Ёшлар дафтари”дан чиқарилдим. 35 хил маҳсулот пишириб, харидорларга етказиб бераёмиз. Фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Уйда қўл қовуштириб ўтирган билан мақсадга етиб бўлмайдим. Ҳозир имкон излаганга эътибор бор. Буни ўзим мисолима айтман. Айни пайтда қўллаб ташаббуслар, ғоялар уйғонмоқда. Албатта, уларни амалга ошириш истагидаман.

Туманда ишсиз ёшлар ва аёлларга дехқончилик қилишлари учун ер ажратиб бериш, паррандачилик, тикувчилик каби йўналишларда ўз тадбиркорлигини бошлаши учун қулай шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Башир” маҳалласида истиқомат қилувчи Саодат Раҳматова асарларчиликка қизиқди. Унга имтиёзли кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилди. Айни вақтда Саодат опа ва яна 3 киши асарларчилик билан банд.

— 20 сотих томорқамиз бор. Томорқамиз асалари парварши учун жуда қулай,

Туманда иш ўринлари яратиш, аҳолини тадбиркорликка йўналтириш, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашишга аҳолида эътибор қаратилган. Шу боис, ишсизликни келтириб чиқарадиган сабаблар ўрганилиб, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлиги таъминлангач, рўйхатдан чиқарилмоқда. Масалан, Насиба Эргашева ишсиз эди. Қисқа фурсат ичида унга имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунда Насиба опа ўз хонадонидан паррандачиликни йўлга қўйган. Мухими, энди у юмуши, қўшимча даромади борлигидан мамнун.

— 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 100 та товуқ харид қилдим, — дейди Насиба Эргашева. — Энди товуқларни янада кўпайтириш ниятидаман. Улар ҳар куни бир сават-



дан тухум берапти. Буни сотиб, оиламизга даромад келтирялман. Рўзгорим бутланиб, хонадонимизга баракка кириб қолди. “Ҳарақат баракат”, деб шунга айтсалар керакда!

Ёш тадбиркор Дилшода Норова ҳам хотин-қизларга ажратилган имтиёзли кредит эвазига қандолатчилик чеҳи очди. Бу билан “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган ўзи каби 25 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

— Биз оиламиз билан ишсиз эдик. Хотин-қизларга имтиёзли кредит берилётганидан хабар топиб, тадбиркорлик фаолиятимизни бошладик, — дейди у. — Ҳозир “Ёшлар дафтари”дан чиқарилдим. 35 хил маҳсулот пишириб, харидорларга етказиб бераёмиз. Фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Уйда қўл қовуштириб ўтирган билан мақсадга етиб бўлмайдим. Ҳозир имкон излаганга эътибор бор. Буни ўзим мисолима айтман. Айни пайтда қўллаб ташаббуслар, ғоялар уйғонмоқда. Албатта, уларни амалга ошириш истагидаман.

Туманда ишсиз ёшлар ва аёлларга дехқончилик қилишлари учун ер ажратиб бериш, паррандачилик, тикувчилик каби йўналишларда ўз тадбиркорлигини бошлаши учун қулай шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, “Башир” маҳалласида истиқомат қилувчи Саодат Раҳматова асарларчиликка қизиқди. Унга имтиёзли кредит ажратилишига ёрдам кўрсатилди. Айни вақтда Саодат опа ва яна 3 киши асарларчилик билан банд.

— 20 сотих томорқамиз бор. Томорқамиз асалари парварши учун жуда қулай,

— дейди Саодат Раҳматова. — Аслида асарларчилик касби бизга қайнотамдан мерос. “Асалари етти хазинанинг бири”, дея бежиз айтилмаган. Меҳнатсеварлик, ҳалолликни асаларидан ўрганмоқ керак, деб фарзандларимга айтаман. Ҳозир шу фаолиятимиз орқали 4 кишини ишга қилдик. Шурки, даромадимиз яхши бўляпти. Уйимиз эскириб қолганди. Уни қайта қўрдиқ, машина ҳам олдиқ, тўй ҳам қилдик.

“Башир” маҳалласида 2061 киши яшайди. “Аёллар дафтари”га киритилган 12 нафар хотин-қизга имтиёзли кредит ажратилиб, асарларчилик, паррандачилик, чорвачилик, хунарамдчилик йўналишларида оилавий тадбиркорликни бошлашга кўмаклашилди.

— “Аёллар дафтари” бўйича 43 нафар ишсиз аёл рўйхатга олинган, — дейди “Башир” МФЙ раиси Ойбек Зарипов. — Уларнинг 12 нафарига имтиёзли кредит олиб берилди. 25 нафари ўзини ўзи банд қилди. Қолганларининг шароити хонадонма-хонадон ўрганилди. Аҳолининг муносиб турмуш кечириши, аввало, уларнинг иш билан бандлик даражасига боғлиқ. Шу боис, одамларни қийнаб келаятган масалаларни “маҳаллабай” тизим асосида хонадонбай ўрганиб, муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилияпти.

Урганишлар ва таҳлиллар натижасида туманда маҳаллалар кесимида иссиқхона қуриш истагида бўлган хотин-қизлар ва ёшлар рўйхати шакллантирилиб, бу борада ҳам амалий кўмак берилмоқда.

— “Маданият” маҳалламизда 3254 киши яшайди. Шундан 1610 нафарини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди мазкур МФЙ раиси Уринбосари Гулчехра Маждидова. — “Аёллар дафтари”да 47 нафар ишсиз хотин-қиз рўйхатда туради. Бугунги кунда аёлларимизнинг 5 нафарига ер ажратиб берилди. Ҳозир улар ерга турли экинлар экиб, ўз оиласига даромад келтиряпти. Шунингдек, 21 нафар аёл имтиёзли кредит олиб, тикувчилик, чорвачилик, паррандачилик йўналишларида иш бошлади. Бу шарт-шароитдан улар жуда хурсанд. Чунки аёллар иш жараёнида оиласи бағрида, фарзандларини ёнида бўлишни хоҳлайди. Энди ўзлари истаганидек, фаолиятларини уйда ташкил этишга қулай шароити ҳам, имконияти ҳам бор. Бундан ташқари, “Аёллар дафтари”га киритилган айрим тоифадаги хотин-қизларимизга сектор раҳбари, туман ҳокимлиги, оила ва маҳаллани кўллаб-қувватлаш бўлими томонидан кўмак қўрсатилиб, турли озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам бериб келинмоқда.

Яна бир жиҳат. Тумандаги 48 та маҳаллада аёллар маслаҳат кенгашилари ташкил этилган. Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, аёлларнинг фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш борасида маслаҳатлар бериш, одобли қиз, ифратли келин ва маърифатли аёл ғояларини кенг тарғиб этиш кенгашининг асосий вазифаси ҳисобланади. Кенгашларда аёллар муаммолари ўрганилиши билан бирга, руҳшунослар томонидан семинар-тренинглари ўтказиб борилаётган. Шунингдек, ногирон фарзанди бўлган, оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган хотин-қизларга уй-жой олишда бошлангич тўлов бадаллари Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тўлаб берилаётгани уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада оширмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу каби хайрли ишларнинг барчаси жамиятда аёллар ҳамшира давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигида эканидан далолатлантирилади.

ИЛМ-ФАН

Фалсафа бўйича илк инновацион лойиҳа

Шаҳноза МАДАЕВА,
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Дилдора ЮСУПОВА,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Инновацион ривожланиш вазирлиги эълон қилган “Олима аёллар грантлари” танловида Ўзбекистон Миллий университети ёш олималари жамоасининг “Ўзбек халқи диний ва миллий кадриятлари комплексининг электрон-транспедициплнар платформасини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳаси барча босқичларда ижобий баҳоланиб, молиялаштиришга тавсия этилди. Бу фалсафа фани бўйича лойиҳа танловлари тизимидаги илк лойиҳа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йиллар учун миллий тараққиёт дастури сифатида эълон қилинган Ҳаракатлар стратегияси янги қиёфадаги глобал дунёга интеграциялашга Ўзбекистоннинг келажақда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий жиҳатдан яхлит давлат сифатида кўрадиغان қадамини аниқлаб берди. Хусусан, ҳозирги кундаги вазифалардан бири илм-фан, маданият, таълим ва иқтисодиёт бўйича дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан тенглар ичида тенг тараққий этишдир.

Ушбу тараққиёт нафақат замонавий билимларни эгаллашни, балки ноёб миллий, диний кадриятларни сақлаб қолиш, уларни келажақ авлодларга етказишни ҳам тақозо этади. Чунки глобаллашув қаҳриқлари инсоният борлигининг кибертехнология сабабли виртуал макон таъсирида диний, миллий, гендер ва оилавий кадриятлар узғариб кетишига, ўз-ўзини англашнинг ташқаридан таъсир орқали киритилган моделлари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бу эса ягона ватан, давлат, миллий тараққиёт ҳудудида рангли инқилоблар, космополитизм, ислом динини ўзига никоб қилиб олган ноанъанавий диний оқимларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Дунё миқёсидаги глобаллашув жараёни, аҳоли миграциясининг кучайиши, иқтисодий тангликлар, айрим ҳудудлардаги нотинчликлар диний ва миллий кадриятларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, оила ва гендер муносабатлари, уларнинг миллий ва диний ўзига хос хусусиятлари, таълим, анъанавий тарбия ва инсон шахсининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар фуқаролар, хусусан, ёшларнинг рационал тафаккури ҳамда жамиятдаги фан ва яратувчилик кадриятларига муносабатига ҳам боғлиқ. Асрлар бўйи анъанавий ҳаёт тарзи таъсирида шаклланган иррационал тафаккур бугунги кунда жамиятимиз кишилари, хусусан, ёшлар тафаккурида ҳам етакчи. Шу боис, халқимизнинг диний ва миллий кадрият-

лари замиридаги бунёдкорлик, илм-маърифатга интилиш, креативлик каби сифатларни тизимли равишда ривожлантириш ва уларнинг тарғибот усули методологияси ва амалиётини ишлаб чиқиш долзарб вазифадир. Бу муаммони ҳал этиш бевосита ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий соҳани ривожлантиради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандидан ўрин

фан билан боғлиқ назарий асослари, миллий ҳамда диний кадриятларни тарғиб қилиш методологияси бўйича миллий модель концепцияси ва тамойилларида ҳали йўлга қўйилиши, ҳал қилиниши керак бўлган масалалар борлиги маълум бўлган.

Юқоридаги асосдан келиб чиққан ҳолда, мазкур лойиҳа ўзбек халқи диний ва миллий кадриятлари мажмуининг электрон-транспедициплнар платформасини яратиш ни мақсад қилиб кўяди. Лойиҳа якунида “Ўзбек халқи диний ва миллий кадриятлари” электрон веб-сайти ишга туширилади.

Веб-сайтта миллий ва диний кадриятларимизни ўрганишнинг тарихий-фалсафий, илмий аънавалари, миллий ва диний меросимизда оила ва гендер, таълим ва инсон тарбиясига оид кадриятлари таҳлили ўрин олади.

Мазкур портал фаолияти диншунослик, тарих, фалсафа ва бошқа гуманитар фанларга доир илмий ишларни кенг омма, хусусан, ёшлар аудиториясида тарғиб қилиш, уларда таҳлилий, мантқиқий, креатив тафаккури шакллантириш, ўзбек халқининг диний ва миллий қад-



олган ижтимоий соҳа, айниқса, таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалалари шу муаммонинг келажақда ечимини билан чамбарчас боғлиқ.

Юртимиз фанлар академияси тизимида юз берган даврий ўзгаришлар, олий таълимдаги ислохотлар ижтимоий фанлар, фалсафа, тарих, диншунослик соҳаларининг замонавий парадигмалар билан бойишига, шу билан бирга, авлодлар, фанлар ўртасидаги ворисийликнинг баъзи тамойиллари узилишига олиб келди. Тарихий хотира, миллий давлатчиликнинг ижтимоий-гуманитар

риятлари асослари, анъанавий шаклланиш йўли, тарихи, ватанга меҳр, эътибор, масъулият ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилади. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида иш юрлатади.

Лойиҳада кўзда тутилган муаммони ҳал этиш орқали миллий ва диний кадриятларни ўрганиш методологияси тарихий-фалсафий, илмий аънавалар асосида яратилади. У ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий, давлатчилик аънаваларини қамраб олади. Миллий ва диний кадриятларни анъанавий ўқитиш усулларида кўзда тутилмаган методлар асосида ёшлар онгига синдириш усуллари ишлаб чиқилади. Оила ва гендер муносабатларининг миллий ва диний ўзига хос хусусиятлари, таълим, анъанавий тарбия ва инсон менини шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар тарих, фалсафа, социология фанлари доирасида очиб берилади. Ишлаб чиқилган метод ҳамда усуллар ёшларни тарбиялашга, миллий менталитет ва замонавий шахс концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлади. Шунингдек, диний ва миллий кадриятларга оид тадқиқотларнинг янги илмий парадигмаси инновацион-электрон портал кўринишида тармоқлар доирасида яратилиб, у ёшларда миллий ва диний кадриятларга асосланган кўникмаларни ривожланишига хизмат қилади.



ИФТИХОР

МЕДАЛЛАР СОНИ САКСОНТАГА ЕТДИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ
НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁКИ ЎРТА ОСИЁДА, БАЛКИ ДУНЁДА
ЭНГ ИЛҒОР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНДИ

Мавлуда НИШОНОВА,
физика-математика фанлари
номзоди

Жорий йилнинг 20-26 апрель кунлари Тошкент шаҳри Юнусobod туманидаги 9-ахборот технологиялари ихтисослаштирилган мактабда онлайн тарзда ўтказилган кимё фани бўйича 55-Халқаро Менделеев олимпиадасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган 7 нафар ўқувчининг барчаси голибликни қўлга киритди. Икки босқичда ўтказилган олимпиада натижаларига кўра, Бухоро шаҳар 35-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Фирдавс Собиров олтин медаль соҳиби бўлди. Қолган ўқувчиларимиз 4 та кумуш ва 2 та бронза медаль билан тақдирланди.

Ҳалилар орасида Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейининг уч нафар ўқувчилари ҳам бор. Уларнинг икки нафари кумуш, бир нафари эса бронза медаль соҳиби бўлди. Шундай

қилиб, мазкур академик лицей ўқувчиларининг халқаро фан олимпиадалари ва танловларида кўлга киритган медаллари сони 80 га етди.

Халқ таълими вазирлиги делегациясининг бир неча ҳафта олдин Россия Федерациясига бўлган амалий таширифи давомида М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетиде учрашув бўлиб ўтган эди. Унда кимё бўйича Халқаро Менделеев олимпиадаси дирекцияси раҳбари Валентин Ненайденко ўзбекистонлик ўқувчиларнинг сунги пайтда кўрсатган натижаларини эътироф этиб, бунда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейда шаклланган илмий мактаб алоҳида ўрин эгаллашини қайд этгани бежиз эмас.

Таъқидлаш жоизки, академик лицейда ўқувчиларни кимё ҳамда биология фанлари бўйича халқаро фан олимпиадалари ва танловларига тайёрлаш, уларда мунтазам ва фаол иштирок этишларини таъминлаш бўйича ўзига хос тизим шаклланди. Лицей ўқувчилари 2008 йилдан

буён кимё, биология фанларидан халқаро ва республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари ва танловларида мунтазам равишда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Дунё миқёсидаги бундай юқори натижаларга эришишда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган улкан ижобий ўзгаришлар, ёш авлодининг чуқур билим олиши, ўз истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар асосий омил бўлмоқда.

Академик лицейда иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг янгича тизими яратилган. Истеъдодли ва зукко ўқувчилар алоҳида гуруҳларга сараланиб, улар билан мунтазам кўшимча машғулотлар ўтказиб борилади. Маҳоратли педагоглар бой тажрибалари асосида ўқувчиларнинг халқаро фан олимпиадалари ва танловлари даражасидаги билимларни эгаллашларига алоҳида эътибор қаратади.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Норбўта қишлоғи Андижон вилоятидаги Қўрғонтепа туманининг энг чекка ҳудудида жойлашган. 3000 дан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллаларнинг жиспчилигига ҳавас қиласиз. Тагин санъатсеварлигини айтмайсизми? Нафақат қишлоқ, туман, балки вилоятда ҳам хурмат қозонган ҳофизлару мақом ижрочилари бор бу ерда. Шаҳарга узоқ бўлишига қарамай, қишлоқнинг кўплаб ёшлари мусиқа ва санъат мактабларига қатнайди. Олий маълумотли бўлиш истагидаги йигит-қизлар кўп.

ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛСА, ЖАМИЯТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Бу ерда бекорчи ёшларни
учратиш қийин. Қишлоқдаги
2 та фермер хўжалигидан
10 сотихдан ер олган
64 нафар ёш аллақачон турли
экинлар экиб, ҳосил чўғини
ошириш билан банд.**



— Уйингиздаги 3-4 сотих ерга меҳр берсангиз, қанча ҳосил оласиз, ундан 2-3 баробар кўпроқ ердан эса яхшигина даромад қилишингиз аниқ, — деди биз билан суҳбатда “Қамолдин сулоласи” фермер хўжалигидан ер олган ёшлардан бири Мансурбек Хурбоев. — Ажратилган 10 сотихнинг барига картошка эдик. Бизнинг қишлоқда мендан ташқари 30 ёшгача бўлган яна 63 киши ернинг ҳақиқий эгасига айланди. Энди бекор ўтирганлар ҳам ишли бўлди. Ахир 10 сотих жой ҳазиллакам ер эмас.

Мансурбекнинг гапида жон бор. Бир парча томорқасида қанча пайт банд бўлади одам. Ҳавасга экинлар помидор, бодиринг, қалампир ушқўқларни қўл билан узиб ейишга нима етсин! Инсоннинг “мен”и бор экан, ўзиники бўлган ҳар бир нарсасига нисбатан эгаллик, муҳаббат ҳисси ортаверади. Шу маънода, 64 нафар ёшнинг ҳар бири ер билан тиллашиб, қишлоқ хўжалиги бўйича катта-катта тадбиркорларга айланиб кетса ажаб эмас.

Дарвоқе, гап келганда, қишлоқда зегу нягитлар билан тадбиркорликка бел боғлаётганлар ҳам кўпчиликини ташкил этишини айтмай бўлмайди.

**“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДА РЎЙХАТДА ТУРГАН
43 АЁЛНИНГ 24 НАФАРИ “ҲУНАРМАНД” МАРКАЗИ
ТОМОНИДАН КАСБ-ҲУНАРГА ЎҚИТИЛДИ,
СЕРТИФИКАТЛАРГА ЭГА БЎЛДИ. ҲАР БИРИГА
ХАЛҚ БАНКИ ТОМОНИДАН 5 МИЛЛИОН СЎМДАН
КРЕДИТ БЕРИЛГАН. УЛАР УЙДА ПИШИРИҚ
ПИШИРИБ, КЎРПА-ТЎШАК ҚАВИБ ПУЛ ТОПЯПТИ.**

Қўрғонтепа тумани ҳокими Элёрбек Набижоновнинг ўзи аҳолига хайрихоҳ бўлиб, “буёғига нима бўлар экан”, дея иккиланиб турганларни ҳам руҳлантириб юбораётганидан одамлар миннатдор.

— Бизнес режамни тайёрлаб, имтиёзли кредитга ариза ёзган кунининг ўзида ҳоким уйимизга кириб келди, — дейди уйда кичик цех очган Дилнавоз Йўлбарсова. — Тиккан либосларимни кўрди, режаларим билан танишди. Агар имконият қилиб берсангиз, 50 нафардан зиёд аёлни иш билан

нафари “Хунарманд” маркази томонидан касб-хунарга ўқитилди, сертификатларга эга бўлди. Ҳар бирига Халқ банки томонидан 5 миллион сўмдан кредит берилган. Улар уйда пишириқ пишириб, кўрпа-тўшак қавиб, пул топяпти.

Уч ишчи билан қасбани бошлаган Тўйиҳон Аҳмадалиеванинг кунлик фойдаси билан қизикдик.

— Астойдил ҳаракат қилсам, бир кунда 2-3 та кўрпа, 10 тагача кўрпача қавийман, — дейди опа. — Ўртача 50 мингдан фойда

қолганида ҳам ойига 1,5-2 миллион топсам бўлади. Ишчиларим ҳам шундай. Бекор ўтирмаймиз, одамларнинг яхши кунларига хизмат қиламиз, ҳам даромад топамиз. Давлатимизга раҳмат. Кимлар учундир 5 миллион пул арзимасдек туюлар. Биз ўша маблағ билан ўзимизга етарлича маҳ харид қилиб, ҳаётимизни яхши томонга ўзгартира олдик. Бу ёғига муаммо йўқ. Ўзбекчилик, тўйларга ҳаммамиз кўрпа-тўшак қиламиз. Бюджетларимиз кўп.

Ҳа, уйим-жойим дейдиган аёллар рўзгорининг бир четини кўтарай, деб тиним билмайди. 15 кишини иш билан таъминлаган Дилнавоз ҳам, Наманган бозорларига қариб борган Дилафруз Исмоилова ҳам тадбиркорликни бошлаганича, пойтахт бозорларида ҳали милиция, ҳали солиқ ходимларидан хавотирда савдосотик қилиб юрганларини яширмади. Буғун эса Дилафруз бошчилигида кичкина корхонада тикилаётган рўмонларни нафақат андижонликлар, қўшни наманганликлар ҳам суйиб ўраяпти.

— Бу ёғи улғу айём — Ҳайит яқин, — дейди тадбиркор. — Уғил-қизлар оналарига, опа-сингилларига энг яхши совға, деб рўмон ҳада қилишди. Насиб қилса, бозоримиз янада юришиб кетади. Ҳозир ҳам ёмон эмас. Банкдан 30 миллион кредит 6 ой имтиёзли давр билан берилгани фаолиятимизни яхшилаб олгунимизча анча қўл келади. Лекин ортга қайтиш йўқ. Бу гапни ўзимча шior қилиб олганман. Менимча, ёшлар бундай эътибор қаратилаётган пайтда орта қайтадиган вазият ҳам бўлмайди, насиб қилса.

Юртимизнинг олис ҳудудидаги замондошларимизнинг ислохотлардан мамнун, манфаатдор ҳолда яшаётгани ўзимизни-да, манфаатдор этгандай қўвонамиз. Тўғриси ҳам шу, аслида. Қовун қовундан ранг олади, деган гап бор. Олдинга интилаётган ёшлар шижоати, албатта, қолганларни ҳам руҳлантиришда муҳим омил бўлади.



Ўқувчиларнинг муваффақиятида юртимиздаги атоқли олимлар, илм-фан арбобларининг ҳам хиссаси катта бўляпти. Улар ўғил-қизлар билан бевосита мулоқот қилиб, илм-фанга қизиқишлари, тадқиқотчилик фаолиятига рағбатларини оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Бахтиёржон Иброҳимов, академиклар Абдулаҳад Жамиллов, Турғунпўлат Даминов, Флора Иноятованинг илмий-амалий суҳбатлари катта самара беряпти.

Бундан ташқари, Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг кимё, биология факультетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Мазкур университет мутахассислари Ўзбекистонга келиб, бир неча ой давомида академик лицейда ўқувчиларга қизиқarli ва мазмунли дарс машғулотларини олиб борапти.

Албатта, иқтидорли ёшлар билан мунтазам ишлаш, тинимсиз изланишлар, ўқувчилар ва педагогларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш — буларнинг барчаси ўз натижаси ва самарасини бермоқда. Хусусан, 2020 йилда Японияда ўтказилган 31-Халқаро биология олимпиадасида лицей ўқувчиси Саида Валижонова 1-уринни эгаллаб, олтин медалга сазовор бўлди. Бу биологиядан ўтказилган бундай нуфузли халқаро олимпиадада илк бор ўзбекистонлик ўқувчи қўлга киритган энг юксак ўрин сифатида тарихга муҳрланди.

Академик лицей ўқувчилари Россия, АҚШ, Франция, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур, Дания, Швейцария, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Словакия, Чехия, Венгрия, Беларусь, Эрон, Қозғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия каби давлатларда кимё ва биология фанларидан ўтказилган халқаро олимпиада ва танловларда ҳам ана шундай фахрли ўринларни эгаллади.

Шу вақтга қадар академик лицей ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларидаги галабалари билан давлатимиз байроғини 80 бор бандан кўтаришга муваффақ бўлди. Улар томонидан 11 та олтин, 24 та кумуш, 45 та бронза медаллар қўлга киритилди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз ёшларининг барча соҳалар қатори фан ва таълимда ҳеч кимдан кам эмаслигини яққол намоён этмоқда. Ифтихор билан айтиш мумкинки, академик лицей нафақат Ўзбекистонда ёки Ўрта Осиёда, балки дунёда бу борадаги энг илгор таълим муассасасидан бири ҳисобланади.

ЯХШИЛАР ЁДИ

Тўлепберген Оғани хотирлаб...

Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари номзоди,
доцент

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 май куни Адиблар хибёнида шоир, ёзувчи ва зиёлилар билан учрашув чоғида “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замона одамлар калбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”, дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, ўтган бир йил ичида Адиблар хибёни одамлар калбига эзгу мақсадларни улашадиган, ёшларимизни улкан мақсадлар сари ундайдиган маърифат ва маданият масканига — марказига айланди. Талабалар билан ушбу хибёни кезар эканман, қандайдир куч мени Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қахрамони Тўлепберген Қаипбергеновнинг қора-

қалпоқ ҳамда ўзбек адабиётининг ривожда тутган беқиёс ўрни ҳақида ўз хотирларимни ёзишга ундади.

Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қахрамони Тўлепберген Қаипбергеновнинг қорақалпоқ ҳамда ўзбек адабиёти ривожда тутган ўрни беқиёс. У қорақалпоқ насрини шакллантирган, ўз услуби ва йўлига эга бўлган, қорақалпоқ адабиётида ўзига хос мактаб яратган адибдир. Шунингдек, ўз халқининг асл фарзанди сифатида юртининг ўтмишига, илдизига, босиб ўтган йўллари, миллий қадриятларига, аъналарига қизиқди, ўрганди ҳамда уларни бадиий асарларида маҳорат билан акс эттирди.

Мен ўқувчилик, талабалик йилларимданок Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Совуқ бир томчи”, “Бахтсизлар”, “Гумроҳлар” каби асарларини қизиқиш билан ўқиб чиққан, унинг ижоди билан озми-кўпми таниш эдим. Бунинг устига, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев Тўлепберген оға ҳақида доим энг яқин инсонларидан биридек, ўта хурмат ва эҳтиром билан сўзлардики, шундан уларнинг ўзаро муносабатлари устоз-шогирдликдан ҳам кўра, дўстликка яқинроқлигини, ўта самимий, бир-бирига нисбатан меҳр ва эъзоз кўрсатишларини билардим. Улар қалбдан бир-бирини тушунадиган, бир-бирига интиладиган шахслар эдиларки, бу руҳий яқинлиқни икки адибнинг ҳаётий қарашлари яшаш тарзи, феъл-атворию кундалиқ тутумлари, мақсадию уйларидаги ўхшашликда кураман. Ўз миллатининг маънавияти ва адабиётини юқори даражага кўта-

риш, миллий образларни яратиш орқали унинг ўзига хос тарихини, турмуш тарзини, орзу-умидларини ҳаққоний очиб беришни ҳаёт мазмунига айлантириш, истеъдод, ҳалоллик, самимият, меҳнатсеварлик, тўғрисиқлик адибларимизни ўзаро яқинлаштирган, деб ўйлайман. Даданинг дўстлари ва шогирдлари ҳам уларнинг бир-бирига ўзаро хурмати, меҳри кучли бўлганини ўз сўхбатларида, мақолаларида эътироф этган. Назаримда, Шукур Холмирзаев учун Тўлепберген оға ҳам устоз, ҳам дўст, ҳам маслаҳатдош, ҳам фикрдош, қисқаси, энг яқинларидан бири бўлган.

Тўлепберген оғанинг Дўрмондаги боғ ҳовлиси даданинг боғ ҳовлисидан бир девор нарида бўлиб, улар баҳор ва ёз ойларида кўпинча у ерда ижод қилар, дўстлар, шогирдлар билан дийдорлашиб, дам оларди.

1979 йилда Тўлепберген Қаипбергеновнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан Шукур Холмирзаевнинг “Шарқ юлдузи” журналининг 8-сонида чоп этилган “Қорақалпоқ халқининг талантли адиби” мақоласидан бир парча: “Адабиётга Бердақ ва Ажиниёни берган... халқ унинг янги “Қорақалпоқ достони”ни яратган Тўлепберген Қаипбергеновдек адибга эга экан, у чиндан ҳам кичкина эмас”.

Даданинг сўнги тутилган кунда (2005 йил 24 март) фақат бир киши йўқлаб келди. Бу Тўлепберген Қаипбергенов оға эди! Қорақалпоқларнинг чопонини, бош кийимини кўтариб кириб келди ва табриқлаб узоқ умр тилади. 76 ёшга тўлган оқсоқол адибимиздан бошқа ҳеч ким келмади ўша кунини...

Билишимча, шунда Тўлепберген оға дадани таваллуд кунини табриқлаш учун атайлаб ўз юртидан Дўрмондаги боғ ҳовлисига келган экан.

“Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида” китобини тайёрлашга киришимда биринчи бўлиб даданинг сўнги тутилган кунини биз билан бирга бўлган, уни кучоқ очиб табриқлаган, энг яхши тилакларни билдириб, узоқ умрлар тилаб қолган Тўлепберген оғага телефон қилдим! У пайтда Тўлепберген оға ботиб экан. Шундай бўлса-да, хотира китоби нашрга тайёрланаётганидан хурсанд эканини билдириб, дадам ҳақида жуда яхши гаплар айтиб, бирга эсладик.

Шунда мен: “Урозбой ака Абдураҳмоновнинг хабари бор, у ҳам мақола ёзмоқчи дадам ҳақида. Ёки ҳамкорликда ёзиб бера қоласизларми”, дедим ботоблиги туфайли адибни ортиқча уринтирмастик учун. Шунда Тўлепберген оға: “Йўқ, қизим, Шукур-жон ҳақида меники алоҳида чиқиши керак, кичикроқ бўлса ҳам. Мен айтиб тураман телефонда, сен ёзиб оласан”, деди.

Мен қозғоқ-қалам олиб, тез-тез ёза бошладим. Шу мақоладан олдинга айрим мисралар: “Сўзга бўлган масъулиятни тўла ҳис қилган, тўғрисиқ, ҳалол адиб эди. Унинг теран фикрлаши, жасоратли қалби ва дадиллигиндан, ўз ишига фидоийлигиндан бугунги ёшлар ибрат олиши ҳамда у қолдирган маънавий бойлиқни чуқурроқ ўрганиши керак. Мен ҳар гал Дўрмонда бўлганимда Шукур Холмирзаев билан албатта, кўришишга, сўхбатлашишга ҳаракат қилардим. Унинг сўзларини узоқ пайтгача эслаб, таъсирланиб



юрардим. Ёшига нисбатан эрта улғайган, ижод дарди, алами ва қувончларини ҳам жуда эрта ҳис қилган ва бир умр шу ҳиссиётларига содиқ буюк ёзувчи, халқлар ва адабиётлар дўстлиги, ҳамкорлигини доимо қўллайдиган улғў дўст эди”.

Шундай қилиб, Тўлепберген оғанинг “Етук адиб” мақоласи тўпламга киритилди. Тўплам 2010 йилда Ғафур Ғулوم номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Худди шу йилнинг 15 сентябрыда қорақалпоқ адабиётининг ёрқин юлдузи, асарлари дунёнинг кўлаб тилларига таржима қилинган машҳур адиб, меҳрибон устоз, ҳақиқий дўст бу оламдан кўз юмди.

Т.Қаипбергеновнинг 90 йиллиги муносабати билан 2019 йилда “Танланган асарлар” и чоп этилганидан жуда қувондим. Тўлепберген Қаипбергеновнинг Адиблар хибёнидаги ҳайкали мен 25 йилдан

бери ишлаётган Тошкент давлат аграр университети жамоасига бириктирилди. Ҳозир “Тўлепберген Қаипбергенов ижодини ўрганиш” тўрагага раҳбарлик қилмоқдаман. Севимли адибимизнинг ҳаёти ва ижодини тизимли таҳлил асосида талабаларга ўргатмоқдаман. Талабалар Тўлепберген Қаипбергенов ижоди бўйича халқаро анжуманларда маърузалар билан қатнашиб, совринли ўринларни эгалламоқда.

Тўлепберген Қаипбергеновнинг қорақалпоқ халқининг бир неча асрилик тарихини, бугунини, орзу-армонларини юксак бадиий маҳорат билан ифодалаган тарихий романлари, қиссалари, драмалари, эссе ва мақолаларини талабаларга ўргатар эканман, адибнинг шахс сифатидаги тўғрилиқ, ҳалоллик, дўстликка садоқат, меҳнатсеварлик каби хислатлари ҳам ҳар биримиз учун намуна эканини доим таъкидлайман.

КЎҲНА МЕРОС

АХСИКЕНТ ХУНАРМАНДЛАРИНИНГ СИРИ

ЁХУД ТОШНИ КЕСАДИГАН, ЭГИЛСА СИНМАЙДИГАН ҚИЛИЧЛАР ЮРТИ

Дурдона МАҲМУДОВА,
Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



“Фаргона водийси Афросиёби” деб эътироф этиладиган қадимий Ахсикент шаҳрида антик даврдан бошлаб хунармандликнинг қулоллик, шишасозлик ва қурул-роғ ишлаб чиқаришга ихтисослашган темирчилик соҳалари тараққий этган. Ахсикент темирчилари томонидан тайёрланган қиличлар жуда машҳур бўлган.

Тошни кесадиган, эгилса ҳам синмайди-ган бу қиличлар ҳақида ҳар хил ривоятлар тўқилган. Аслида улар Фарғонанинг бош пойтахти Ахсикент (Фарғона) тарихи билан бевосита боғлиқ.

Ёзма манбаларда (Истахрий, Ибн Ҳавқал) Уструшондан қазиб олинган темирдан фарғоналик хунармандлар инсон ақли бовар қилмайдиган буюмлар тайёрлаган ва Фарғонадан Буюк ипак йўли орқали қуруллар ҳам турли мамлакатларга тарқалган, деган умумий гаплар мавжуд. Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик қазималар ушбу масалага аниқлик киритибгина қолмай, қадим шаҳарга оид буюк кашфиётларга ҳам олиб келди.

Миллоддан аввалги II-I асрларга оид хитой ёзма манбалари ва миллодий VIII-IX асрларида доир араб манбаларида “Фарғона” сўзи водийнинг номидан ташқари унинг бош пойтахтига нисбатан қўлланилганини ҳам кўриши мумкин. Масалан, хитойчага Фарғона шаҳри номи “Юан”, водий номи “Дай Юан” деб таржима қилинган, яъни хитой тарихчиси водийни шаҳардан фарқлаш учун уни “Катта Фарғона”, деб ёзган. “Фарғона” сўзи атрофи девор билан ўралган жой ёки атрофи ўралган воҳа, деган маънони билдиради. Бу ерда Хитой тарихчиси шаҳар номига битта иероглиф (Юан), водий номига иккита иероглиф (Дай Юан) ишлатган.

Кейинги йиллардаги археологик тадқиқот-

лар Фарғона водийси ёки Хитой манбаларида тилга олинган Фарғона давлатининг бош пойтахти Фарғона шаҳри ҳозирги Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб жойлашган Ахсикент ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган илмий ҳулосага олиб келди. Маълум бўлишича, миллоддан аввалги II аср охирида хитойликларнинг Фарғонага қилган ҳарбий юришлари вақтида Ахсикент ўрнидаги шаҳар ўзининг арки, шаҳристон ва работига эга бўлиб, 50 гектардан зиёд майдонни эгаллаган. Шаҳар мустақкам мудофаа деворлари билан ўраб олинган.

Археологик тадқиқотларга қараганда, X-XII асрнинг бошларида Ахсикент темирчи усталари тоза пўлат (фўла) ишлаб чиқариш технологиясини билган. Тоза пўлат олиш учун, биринчи навбатда, бойитилган (тозаланган) темир хомашёси зарур бўлган. Уни Ахсикент усталари Фовасой-Поп ва Уструшондаги Марсмандадан олган. Бойитилган (тозаланган) темир Ахсикент темирчи усталари қўлига тушган, ундан, биринчи навбатда, махсус технология ёрдамида пўлат олинган. Сўнг машҳур Фарғона қиличлари ясалган.

Пўлатдан қурол тайёрлаш устадан катта маҳорат талаб қилган. Қиличга ишлов бериш жараёнида унинг юзига ҳар хил нақшлар пайдо бўлган. Бунга ўхшаш қиличлар ўта кески бўлиши билан бирга, мўъжизавий санъат асари ҳам ҳисобланади, дунё бозорига юқори баҳоланган. Унинг соли ва гилофига алоҳида ишлов берилиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Бундай қиличнинг нархи жуда юқори бўлиб, унга эга бўлиш фақат подшо асарлари ва бой-бадавлат одамларигагина насиб қилган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида бу ерда турли даврларга оид иккита шаҳар бўлгани, улардан бири қадимги Ахсикент ва иккинчиси Бобур тутилган Ахси экани исботланган. Унинг харобалари маҳаллий халқ орасида Янги Ахси топоними билан аталиб, озорқ қисми Яқкайит қишлоғи тағида сақланган. Ҳозир қадимги шаҳар харобаларида қазима ишлари олиб борилмоқда.

Авалроқ Янги Ахсида тўпланаётган юзлаб топилмалар қаторига пўлат ханжар ҳамда “Оят ал-қурси” битилган мис пиёла қўшилган ҳақида хабар берилган эди. Навбатдаги топилма — ноёб дамашқ қиличи Ахси осори-атикалар музейига 510-экспонат сифатида рўйхатга киритилди.

Таъкидлаш керак, Ахсикентда тайёрланган қуруллар “дамашқ қиличлари” номи билан дунёга машҳур бўлиб, Ғарбда Дамашқ, Шарқда Хитой бозорларида сотилган. Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларда бутун Европада “дамашқ қиличлари” номи билан машҳур бўлган қуруллардан муайян қисмининг ватани Фарғона-Ахсикент ҳисобланган. Эски Ахси ёдгорлигини зиёрат қилган сайёҳ ҳар қадамда пўлат ишлаб чиқариш билан боғлиқ топилмалар ва устакхона харобаларини кўради, юқорида айтилган гапларнинг тасдиғини топади.

Президентимизнинг 2019 йилда Наманганга ташрифи давомида Ахсикентнинг ҳаққоний тарихини ўрганиш, мазкур ҳудудни туризм маконига айлантириш бўйича берган топшириғи асосида айти пайтда бу борада кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Демак, биз яқин келажакда Ахсикент тарихи билан боғлиқ яна қўлаб маълумотларга эга бўламиз.

ҚАДРИЯТ

ҚЎЛИГУЛ ЗАРДЎЗ ВА УСТА ЗАРГАРЛАР

ЎЗ МАҲОРАТ МАКТАБЛАРИ АСОСИДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗНИ ҚАДРЛАБ КЕЛМОҚДА



Хуршид ЯҲЁЕВ,
Республика “Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи

Айни пайтда юртимизда халқ амалий санъатининг зардўзлик ва заргарлик анъаналарини ривожлантириш, уларнинг ноёб намуналарини тарғиб этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Республика “Хунарманд” уюшмаси Бухоро вилоят бошқармасида 2500дан ортиқ уста хунармандлар рўйхатдан ўтиб, фаолият юритиб келади. Шулардан 80 нафарини зардўз уста, 120 нафардан ортиғини эса заргарлар ташкил қилади.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилингани

барчамизга чексиз қувонч бағишлади. Зеро, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш орқали халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда минтақанинг туризм салоҳиятини янада оширишда жуда катта аҳамият касб этади.

Шуни таъкидлаб ўтишимиз керакики, ҳар йили Президентимиз ташаббуси билан бўлиб ўтadиган “Ташаббус” кўрик-танловига хунармандларимиз катта иштиёқ билан иштирок этади. Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида зардўз уста Бахшулло Жумаев ғойибликни қўлга киритган. Ундан сўнг ҳам қатор йиллар давомида заргар Алишер Ҳайдаров ва зардўз уста Махфуза Салимова каби

моҳир хунармандларимиз республика танловларида фахрли 1-уринни эгаллаб келаётгани қувончлидир. Қарорда фестиваль 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда Бухоро шаҳрида ўтказилиши белгиланди. Бу, албатта, биз бухороликларга юксак шараф бағишлайди. Ушбу фестивалга ҳозирнинг ўзиданоқ тайёргарлик ишларини бошлаб юборганмиз. Анжуманга 40 дан ортиқ хорижий давлатларнинг уста ва хунармандларини таклиф қилишни режалаштиряпмиз. Қолаверса, республикамизнинг барча вилоятларидан эл-орт хурматига сазовор бўлган уста хунармандларимиз ҳам иштирок этади.

Зар қадрини заргар билади, дейди доно халқимиз. Ишонамизки, халқаро анжуман миллий қадриятларини қадрлаган ҳар бир уста хунарманд учун тенгсиз тажриба майдонига, ҳаёт мактабига айланади.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграффик хижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1443. 79242 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

KOLORPAK МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусахҳас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 22:10 Тоширилди — 23:45